

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФИЗИКА- МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МУМИНОВ ИСЛОМБЕК АРАББОЕВИЧ

**МУРАККАБ ЗОНАЛИ КРИСТАЛЛАРДА ЗОНАЛАРАРО КЎП
ФОТОНЛИ ЁРУҒЛИК ЮТИЛИШИНING СПЕКТРАЛ ТАДҚИҚИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical and mathematical sciences**

Мўминов Исломбек Араббоевич

Мураккаб зонали кристалларда зоналараро кўп фотонли ёруғлик ютилишининг спектрал тадқиқи 3

Муминов Исломбек Араббоевич

Спектральное исследование межзонного монофотонного поглощения света в кристаллах со сложной зоной 24

Muminov Islombek Arabboyevich

Spectral research of interband multiphoton absorption of light in crystals with a complex zone..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗИКА-
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МЎМИНОВ ИСЛОМБЕК АРАББОЕВИЧ

**МУРАККАБ ЗОНАЛИ КРИСТАЛЛАРДА ЗОНАЛАРАРО КЎП
ФОТОНЛИ ЁРУҒЛИК ЮТИЛИШИНING СПЕКТРАЛ ТАДҚИҚИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона – 2021

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/FM609 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ferpi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Расулов Рустам Явқачович физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Аюханов Рашид Аҳмедович физика-математика фанлари доктори Султонов Номонжон Акрамович физика-математика фанлари доктори, профессор.
Етакчи ташкилот:	Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 150107, Ўзбекистон, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. Тел.: (99873) 241-13-03. Факс: (99873) 241-12-06; e-mail: uzferfizika@mail.ru, Фарғона политехника институти мажлислар зали.

Диссертация билан Фарғона политехника институтининг ахборот-ресурс маркази илмий-услубий бўлимида танишиш мумкин. (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй. Тел.: (99873) 241-13-03.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Х.Юлдашев

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, ф-м.ф.д., профессор.

Б.З.Полвонов

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш котиби, физика - математика
фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент.

С.Ф.Эргашев

Фалсафа доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раисининг ўринбосари, т.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон опто- ва фотоэлектроника соҳасида мураккаб зонали кристалларда кўп фотонли жараёнларни тадқиқ этиш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Бу соҳада олиб борилган назарий тадқиқот натижаларини юқори эффективли самаравий инфрақизил детекторлар, ёруғликнинг тўлқин узунлиги ёки интенсивлигига нисбатан ночизиқли оптик қурилмалар, ток ташувчилар спинларига боғлиқ каскадли лазерлар ва бошқа тур квант генераторлари бўйича амалиётга жорий этишни тақозо этади. Хусусан, кристалларда кўп фотонли жараёнлардан фойдаланиш кристалли гомо- ва гетероструктураларнинг фотоэлектр параметрларини ортиришга имкон беради: интеграл сезувчанлик 100 А/лм гача, ток кучайтириш коэффиценти 10^2 - 10^3 га ортади, коронгу токи ўнлаб нА дан ошмайди. Шу жиҳатдан, кристалларнинг оптик ва фотоэлектрик хусусиятларининг назарий тадқиқи илмий техника соҳасида муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳондаги етакчи илмий-тадқиқот марказларида асосий эътибор куб ва тетраэдр симметрияли кристалларда ёруғлик ютилишини унинг қутбланиш ҳолатига боғлиқ ҳолда тадқиқот олиб бориш, оптик ва фотоэлектрик қурилмаларнинг эффективлигини ошириш мақсадида қутбланган ёруғликнинг бир ва кўп фотонли ютилиш механизмларини ишлаб чиқишга оид муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Хусусан, германий, кремний ва шунга ўхшаш кристалларда кечадиган ёруғликнинг интенсивлигига нисбатан ночизиқли оптик ўтишлар бўйича назарий ҳисоблаш методларини мукамаллаштири ва бундай тур ҳодисаларнинг физикавий табиатини янада чуқурроқ ўрганиш фотоника, опто- ва наноэлектроника соҳасида долзарб ва ечими қутилиётган вазифалардан бўлиб қолмоқда. Бунда мураккаб зонали кристалларнинг оптик ва фотоэлектрик табиатини ўрганишда унинг зонавий тузилишига, кўп фотонли оптик ўтишларда виртуал ҳолатларнинг табиатига ҳамда ёруғликнинг қутбланиш даражасига алоҳида эътибор бериш талаб этилади.

Республикамизда амалий ва фундаментал илмий тадқиқотларнинг долзарб устувор йўналишларига, хусусан Қуёш энергетикасидан фойдаланиш соҳасидаги инновацион ишланмалар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ самаравий илмий-инновацион технологияларни яратиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, Қуёш фото-ва оптоэлектроника соҳаларида ҳажмий ва паст ўлчамли кристалларнинг оптик ва фотоэлектрик параметрларини самаравийлигини орттириш методларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу диссертация иши куб ва тетраэдр симметрияли кристалларда ночизиқли оптик ҳодисалар механизмларини, хусусан зоналараро кўп фотонли ютилишни, чизиқли циркуляр дихроизм спектрал боғланишининг ёруғлик қутбланиш даражасига боғлиқ бўлган янги

механизмларини тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, унинг натижалари каттик жисмли оптик кучайтиргич, фотоқабул қилгичлар ва бошқа оптоэлектрон қурилмаларнинг оптик параметрларини оптималлаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, жумладан, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони¹, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги², 2018 йил 17 июлидаги ПҚ-3855-сонли “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги³, 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3899-сонли “Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги⁴, 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сонли “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги⁵ қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқотлари муаян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация иши Республика фан ва технологиялар тараққиётининг III. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш устувор йўналишига доир бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳажмий кристалларда кўп фотонли оптик ва фотоэлектрик ҳодисаларга оид илмий тадқиқотлар жаҳоннинг илғор мамлакатларидаги илмий тадқиқот марказлари ва университетларида олиб борилмоқда. Хусусан, Ч.Таунс, П.Франкен, А.Форрестер, Р.Гудмундсен, П.Джонсон (АҚШ), W.Z.Shen (Хитой), М. Hiruoka, К.Stato (Япония) ва Л.В.Келдиш, Н.Г.Басов, А.М.Прохоров, Е.Л.Ивченко, Р.В.Хохлов, Л.Е.Голуб, С.А.Ахманов, Е.Ю.Перлин (Россия) томонидан конденсирланган муҳитларда ночизикли оптик ҳодисалар бўйича бажарилган назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижасида квант генераторлари яратилган ва такомиллаштирилган. Бундай тур оптик ҳодисаларни тажрибада Jun He, Yingli Qu, Heping Li (Япония) *ZnO* ва *ZnS* да, Srinikrishnamurthy, Zhi Gang Yu (Сингапур) *GaAs*, *InP*, *GaInAs* ва *InAsP* да, С.Д.Ганичев (Регензбург, Германия), И.Д.Ярошецкий, Е.Б.Берегулин, В.А.Шалыгин (Санкт-Петербург, Россия) *Ge* да кузатишган.

¹ <https://lex.uz/docs/3107042>.

² <https://lex.uz/docs/3117025>.

³ <https://lex.uz/docs/3823583>.

⁴ <https://lex.uz/docs/3853858>.

⁵ <https://lex.uz/docs/5338558>.

Ҳажмий ва ўлчамли квантлашган кристалларда ёруғликнинг кутбланиш ҳолатига ҳамда ток ташувчилар спинларига боғлиқ бўлган оптик ҳодисалар механизмлари Россия ФАнинг мухбир аъзолари Е.Л.Ивченко, М.М.Глазов, профессорлар Г.Е.Пикус, Н.С.Аверкиев, Л.Е.Голуб, С.А.Тарасенко (Санкт-Петербург, Россия) ва Н.Н.Герасименко, Ю.Н.Пархоменко (Москва, Россия) раҳбарлик қилган бир гуруҳ олимлар томонидан назарий ўрганилган. Ўзбекистон олимларидан Э.З.Имамов ва Р.Я.Расулов ҳамда уларнинг шогирдлари томонидан кристалл ва уларнинг паст ўлчамли тизимларида фотонли кинетик эффектларнинг қатор механизмлари назарий тадқиқ этилган.

Бироқ квант механикавий нуқтаи назаридан: а) Кейн моделига кўра кристалларда кўп фотонли ёруғлик ютилишининг ток ташувчилар гамилтониани зонавий параметрларига, шунингдек, электромагнит тўлқин кутбланиш даражаси ва интенсивлигига боғлиқ бўлган оптик ўтишлари; б) Кейн моделига кўра ток ташувчилар тўлқин векторининг ихтиёрий қийматлар соҳасида кутбланган ёруғликнинг зоналараро кўп фотонли ютилиши ҳамда уларга мос келувчи чизиқли-циркуляр дихроизм; в) мураккаб зонали кристалларда кечадиган ҳамда σ_+ (ўнг кутбланган) ёки σ_- (чап кутбланган) кутбланган фотонлар иштирокидаги зоналараро ўтишлар билан тавсифланувчи оптик ҳодисалар назарий ўрганилмаган. Шу сабабдан юқорида қайд қилинган соҳаларда илмий тадқиқотларни синчковлик билан олиб бориш талаб этилади ва ушбу диссертация бундай тур муаммоларни назарий тадқиқ этишга бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ОТ-Ф2 (Физика ва астрономия) тартиб рақамли «Кристаллар ва уларнинг ўлчамли квантлашган ўраларида кутбий оптик самаралар» мавзусидаги (2007-2011 йй.) ҳамда ОТ-Ф2-66 тартиб рақамли «Яримўтказгичлар ва уларнинг наноструктураларида фотонли кинетик самараларнинг назарий тадқиқи» мавзусидаги (2017-2020 йй.) фундаментал тадқиқот грантлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мураккаб зонали кристалларда икки ва уч зонали Кейн моделига кўра кутбланган ёруғликнинг зоналараро кўп фотонли ютилиши ҳамда унинг чизиқли-циркуляр дихроизмининг механизмларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари кўп зонали Кейн модели ёрдамида:

куб симметрияли кристалларда ток ташувчиларнинг оғир ва енгил коваклар тармоғидан ўтказувчанлик зонасига ўтиш билан тавсифланувчи зоналараро кўп фотонли ютилиш механизмини аниқлаш;

ҳажмий кристалларда бошланғич ва виртуал ҳолатлари билан фарқ қилувчи уч фотонли зоналараро оптик ўтишларни табақалаштириш ҳамда уларга тегишли таркибий матрицавий элементларни ҳисоблашнинг физикавий моделини тавсия қилиш;

тавсия этилган моделга асосланган ҳолда ҳар бир оптик ўтишларга тегишли парциал ҳамда натижавий уч фотонли ёруғлик ютилиш коэффициентларининг частотавий боғланишларини аниқлаш;

кристалларда кутбланган ёруғликнинг бошланғич ва оралиқ ҳолатлари билан фарқ қилувчи уч фотонли ютилиш чизикли-циркуляр дихроизмининг спектрал боғланишини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мураккаб зонали куб ва тетраэдр симметрияли, шунингдек, тор зонали кристаллар танланган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида кўп зонали Кейн яқинлашишига кўра кристалларда содир бўладиган кутбланган ёруғликнинг зоналараро уч фотонли ютилиши ва унинг чизикли-циркуляр дихроизми танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Назарий ҳисоблашларда квант механикасининг олтин қоидаси ва қўзғалишлар назарияси, кристаллар физикасида қўлланиладиган квантлашган майдон назариясидан, хусусан, Фейнманнинг графиклар техникаси ҳамда Дирак функцияси методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк марта куб симметрияли кристалларда бир вақтнинг ўзида икки фотонли ютилишни эътиборга олган ҳолда зоналараро оптик ўтишлардаги уч фотонли ютилишнинг чизикли-циркуляр дихроизми назарияси ривожлантирилган;

илк марта уч зонали Кейн яқинлашишида ташувчилар тўлқин векторларининг ихтиёрий қийматлар соҳасида парциал уч фотонли ютилиш коэффициентларининг спектрал боғланишлари ҳисобланган ҳамда InSb ва GaAs кристаллар учун миқдорий солиштирилган;

бошланғич ва виртуал ҳолатларнинг қайси зонада жойлашишдан қатъи назар частотанинг ортиши билан InSb ва GaAs кристалларда уч фотонли ютилиш коэффициентининг миқдоран орта бориб максимумга эришиши, сўнгра камайиши аниқланган ва миқдоран солиштирилган;

илк марта кўп зонали Кейн моделига кўра InSb ва GaAs ярим ўтказгичларда зоналараро уч фотонли чизикли-циркуляр дихроизм спектрал боғланишидаги частотанинг маълум бир соҳасида кескин ортиши ва энергиявий спектрда нопараболик ҳадларни эътиборга олиш билан унинг йўқолиши топилган;

зоналараро уч фотонли чизикли-циркуляр дихроизм ва ютилиш коэффициентининг спектрал боғланишига тегишли назарий ҳисоблашлар ZnS ва InSb кристалларида олинган экспериментал натижаларни 10% дан кичик хатолик билан тушунтирган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

куб симметрияли кристалларда зоналараро уч фотонли ютилиш ва чизикли-циркуляр дихроизм коэффициентининг спектрал боғланиши бўйича назарий ва эксперимент натижалари солиштирилган;

кутбланган ёруғликнинг уч фотонли чизикли-циркуляр дихроизми ва ютилишини тадқиқ қилиш натижаларидан фойдаланиш ҳисобига маълумотларни оптик ёзиш, хотирада сақлаш ва қайд қилиш тизимларининг,

паст инерцияли фото- ва оптоэлектроника қурилмаларининг хоссалари оптималлаштирилган;

зоналараро кўп фотонли оптик ўтишларга оид назарий ҳисоблаш усуллари ёрдамида ток ташувчилар энергиявий спектри Кейн моделига кўра ҳисобланган нафақат ҳажмий, балки паст ўлчамли кристаллардаги ночизикли оптик ҳодисаларни назарий тадқиқ этишга татбиқ қилинган;

кўп зонали Кейн яқинлашишда куб симметрияли кристалларда содир бўладиган кўп фотонли ва интенсивликка нисбатан ночизикли фотонли кинетик ҳодисаларнинг ҳисоблаш усуллари ривожлантирилган.

Олинган натижаларнинг ишончилиги назарий натижаларнинг ва тажриба натижаларининг мос тушиши, ҳисоблашларда қаттиқ жисмлар назарияси, квант статистик физика ва квантлашган майдонлар назарияси методларидан ижодий фойдаланилганлиги, микдорий-сонли ҳисоблашлар дастурий таъминотининг қатъилиги, кўп фотонли зоналараро оптик ўтишлар эҳтимоллигини Кейн моделига кўра ҳисоблашда қўзғалишлар назарияси, $\vec{k} \cdot \vec{p}$ -метод ҳамда диаграммалар техникасидан фойдаланилганлиги, тадқиқот объектининг тўғри танланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти зонавий тузилиши Кейн моделига кўра ҳисобланган кристалларда оптик ўтишларни ток ташувчиларнинг бошланғич ва виртуал ҳолатларига боғлиқ ҳолда табақалаш, зоналараро уч фотонли ютилиш ва чизикли-циркуляр дихроизм коэффициентининг ҳамда оптик ўтишлар эҳтимоллигининг спектрал боғланиши ҳақида янги маълумотлар берилганлигида ўз ифодасини топади.

Ишнинг амалий аҳамияти ёруғликнинг кўп фотонли ва интенсивликка нисбатан ночизикли ютилишидан фойдаланилган кам инерцияли опто-ва фотоэлектрон қурилмаларида электромагнит тўлқин регистрациясининг ишчи спектрал соҳасини орттириш, маълумотларни оптик усулда қайд қилиш, ёзиш ва хотирада сақлаш қурилмаларида қутбланган ёруғликдан фойдаланишда ўз ифодасини топади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кристалларда қутбланган ёруғликнинг зоналараро уч фотонли ютилиш механизмларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

уч фотонли ютилиш коэффициентининг кўп зонали Кейн моделига кўра ҳисобланган спектрал боғланишлари Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг «Физика» кафедрасида 2012-2016 йилларга мўлжалланган Ф2-21 «Яримўтказгич-диэлектрик чегарасидаги сирт ҳолатлар зичлигини аниқлашни математик моделлаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида жорий этилган (Наманган муҳандислик-қурилиш институтининг 2021 йил 23-июнь 06/10-09/651-сон маълумотномаси). Натижада мураккаб зонали кристаллар асосида тайёрланган оптик қабул қилгичларнинг ишчи частоталар соҳасини 15 фоизга кенгайтириш имконияти яратилган;

мураккаб зонали кристалларда қутбланган ёруғликнинг интенсивлигига нисбатан ночизикли ютилишининг назарий ҳисоблашлари Наманган давлат университети «Физика» кафедрасида 2012-2016 йилларга мўлжалланган Ф2-

OT-O-15494 «Квант нуқтали гетеро- ва нанотузилмалардаги экситонларни, поляронларни, биполяронларни ва кўчиш ходисаларини тадқиқ этиш асосида нурлагичлар, фотоэлементлар ва бошқа турдаги оптоэлектрон асбобларнинг самарадорлигини яхшилаш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада жорий этилган (Наманган давлат университетининг 2021 йил 23-июнь 277-04-сон маълумотномаси). Натижада, тор зонали ярим ўтказгичлардан тайёрланган паст инерцияли оптик қурилмаларнинг ишчи спектрал соҳаларни 1,2 марта орттириш имконияти яратилган;

уч фотонли чизикли-циркуляр дихроизм ва ютилиш коэффициентининг спектрал тадқиқот натижалари 2016-2018 йилларга мўлжалланган АҲР (F)-20/518-рақамли «The Mid Infrared LET and Photodiode pair for Gas Sensors» лойиҳасида яримўтказгичли фотодиодларнинг паст инерцияли хоссаларини тадқиқ қилишда жорий этилган (Улудағ университети (Туркия) 2021/20/518-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш яримўтказгичли фотоўзгартиргичларнинг ишлаш тезлигини 10 фоизга орттириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 6 та халқаро илмий конференцияларда маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 6 та мақола, шундан 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўрт боб, хулоса, 89 та адабиётлар рўйхатидан иборат, 34 та расм, 2 та жадвални ўз ичига олган 119 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Мазкур диссертация мураккаб зонали кристалларда қутбланган ёруғликнинг зоналараро оптик ўтишларга боғлиқ кўп фотонли ютилишини назарий тадқиқ қилишга бағишланган.

Кириш қисмида диссертация мавзусининг актуаллиги ва зарурати асосланган, олиб борилган илмий тадқиқотларнинг Ўзбекистон фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги қайд қилинган, мавзу бўйича хорижий ва Республикамизда олиб борилган илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, текшириш предмети ва объекти келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти ҳамда уларнинг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Мураккаб зонали кристалларда ёруғлик зоналараро кўп фотонли ютилишининг содда механизмлари”** деб

номланган биринчи бобда мураккаб зонали кристалларда содир бўладиган кутбланган ёруғликнинг зоналараро икки ва уч фотонли ютилишининг оддий назариясини Кейн модели бўйича тадқиқ қилишга бағишланган адабиётлар шарҳлари бажарилган.

1.1-параграфда қаттиқ жисмларда кутбланган ёруғликнинг ночизикли ютилиши, кутбланган ёруғликнинг кўп фотонли ютилиши механизмларининг назарий таҳлиллари бажарилган. 1.2-параграфда икки ва уч фотонли оптик ўтишлар учун асосий муносабатлар, 1.3-параграфда кўп фотонли оптик ўтишлар эҳтимоллиги учун квант механикаси олтин қоидасини қаноатлантирувчи ҳамда кутбланиш векторига боғлиқ ифодалари келтириб чиқарилган, тегишли механизмлари баён этилган. 1.4-параграфда ёруғликнинг “зона-киришма-зона” тур икки фотонли ютилишининг назарий таҳлиллари бажарилган.

1-бобда шарҳ этилган адабиётларда кутбланган ёруғлик икки ва уч фотонли ютилиши коэффиценти ҳисобланган бўлиб, уларда ёруғлик зоналараро кўп фотонли ютилишининг содда механизмлари таҳлил қилинган; бу механизмлар энергияларининг йиғиндиси тақрибан тақиқланган зона кенглигига тенг бўлган бир неча фотонларнинг Бриллюэн зонаси маркази атрофидаги ток ташувчилар иштирокидаги ютилишига асосланган. Бу ҳолда ток ташувчилар гамилтонианининг тўлқин вектор квадратига пропорционал бўлган ҳадлари иккинчи тартибли кичик ҳадлар бўлиб қолади. Натижада ҳисоблашларда уларни эътиборга олмасам ҳам бўлади. Шунингдек, ток ташувчилар энергетик спектрининг сферавий симметрияли ҳоллари қаралган. Албатта, бундай содда механизмлар икки фотонли ютилиш ёки унинг чизикли-циркуляр дихроизми бўйича ўтказилган тажриба натижаларини тўла-тўқис тушунтира олмайди. Бунинг учун ток ташувчилар тўлқин векторининг ихтиёрий қийматлар соҳасини эътиборга олишни ҳамда энергиявий спектрда нопараболик ҳадларни ҳам эътиборга олиш зарур. Бу ҳолга 2-, 3- ва 4-бобларда алоҳида эътибор қаратилган.


“Кейн моделида мураккаб зонали кристаллда оғир коваклар тармоғидан ўтказувчанлик зонасига уч фотонли оптик ўтишлар” номли иккинчи бобда ёруғликнинг кўп фотонли ютилиши физико-кимёвий хоссалари батафсил ўрганилган мураккаб зонали кристалларга нисбатан олиб борилган. Ушбу бобда мураккаб зонали кристалларда Кейн яқинлашишида уч фотонли кутбланган ёруғлик ютилиши коэффицентининг (2.1-§) ҳамда чизикли-циркуляр дихроизмининг (2.2-§) спектрал боғланишлари ҳисобланган бўлиб, бунда валент зонасининг оғир коваклар тармоғидан ўтказувчанлик зонасига оптик ўтишлар эътиборга олинган. Ҳисоблашларда дастлаб ток ташувчилар энергиявий спектрини сферик яқинлашишда танлаймиз. Сўнгра чизикли-циркуляр дихроизми коэффиценти спектрал боғланишининг миқдорий ҳисоблашларида энергиявий спектрдаги нопараболик ҳадни ҳам эътиборга оламиз, чунки бу ҳол спектрал боғланишдаги ўзига хосликка олиб келади.

Агар $3\hbar\omega \ll E_g \ll E_g + \Delta_{so}$ тенгсизлик қаноатлантирилса, у ҳолда битта зона ичида содир бўладиган оптик ўтишларнинг уч квантли жараёнга қўшадиган

хиссаси эътиборга олмайдиган даражада кичик бўлади ва уч фотонли матрицавий элементни тўлқин векторга боғлиқ эмас деб ҳисоблаш мумкин. Бу ерда E_g – кристаллнинг тақиқланган зонаси, Δ_{so} – спин-орбитал кенгайган зона кенглиги. Ҳисоблашларда ўтказувчанлик зонаси юқорисидаги зонанинг хиссаси эътиборга олинмаса, у ҳолда *InAs* ва *InSb* кристаллари учун чизикли-циркуляр дихроизми коэффициенти $\eta^{(2)}(\Delta_{so})$ нинг Δ_{so} катталиқка боғлиқлиги 1-расмда тасвирланган. 1-расмдан кўриняптики, биринчидан ёруғликнинг икки фотонли ютилиши Бриллюэн зонасига яқин соҳада содир бўладиган чизикли-циркуляр дихроизм тор зонали кристалларнинг спин-орбитал кенгайган зоналари кенгликлари (Δ_{so}) га боғлиқ ҳолда ўзгаради ва у *InSb* (*InAs*) кристалли учун 0.5 eV (0.9 eV) қийматда минимумга эришади.


Иккинчидан, Δ_{so} катталиқнинг ортиши билан минимум ҳам катта энергиялар соҳасига интилади. Агар Δ_{so} миқдоран 0.5 eV (0.9 eV) қийматдан кичик танланса, у ҳолда чизикли-циркуляр дихроизм коэффицентининг камаювчи соҳасига нисбатан, аксинча-орта борувчи соҳасига нисбатан таҳлиллар олиб борилишига эътибор қаратиш зарур. Учинчидан кристаллда Δ_{so} қанчалик кичик қийматли бўлса, у ҳолда у кристаллда чизикли-циркуляр дихроизм шунчалик сезиларли кузатилади.




Шундай қилиб, битта мураккаб зонали кристалл учун тақиқланган зона кенглигининг аниқ бир қийматида спин-орбитал кенгайган зона кенглигининг



1-расм. *InAs* (a), *InAs* (b) ва *GaAs* (c) кристаллари Бриллюэн зонаси марказига яқин соҳада ёруғлик икки фотонли ютилиш чизикли-циркуляр дихроизмининг спин-орбитал кенгайган зона кенглигига боғлиқлиги.

миқдоран танланишига боғлиқ ҳолда назарий таҳлил ҳам ўзгаради. Аммо кенг зонали кристалл учун $\eta^{(2)}(\Delta_{so})$ боғланишда минимум кузатилмайди: Δ_{so} нинг ортиб бориши билан камая боради.

Ёруғликнинг уч фотонли ютилишига тегишли зоналараро оптик ўтишлар , диаграммалар ёрдамида тушунтирилиши мумкин, бу

ерда  - бир фотонли,  - кетма-кет ютилайтган икки фотонли,  -бир вақтда икки фотонли ютилишни тасвирлайди. У ҳолда валент зона тармоқларидан ($|V_l, m_l\rangle$) ўтказувчанлик зонасига ($|c, m'_l\rangle$) уч фотонли оптик ўтишлар, умуман олганда, олти хил табиатли бўлиб

$$\begin{aligned} &|V_{hh}, \pm 3/2\rangle \xrightarrow[\text{ютилиши}]{\text{уч фотонли}} |c, \pm 1/2\rangle, |V_{hh}, \pm 3/2\rangle \xrightarrow[\text{ютилиши}]{\text{уч фотонли}} |c, \mp 1/2\rangle, \\ &|V_{lh}, \pm 3/2\rangle \xrightarrow[\text{ютилиши}]{\text{уч фотонли}} |c, \pm 1/2\rangle, |V_{lh}, \pm 3/2\rangle \xrightarrow[\text{ютилиши}]{\text{уч фотонли}} |c, \mp 1/2\rangle, \\ &|SO, \pm 1/2\rangle \xrightarrow[\text{ютилиши}]{\text{уч фотонли}} |c, \pm 1/2\rangle, |SO, \pm 1/2\rangle \xrightarrow[\text{ютилиши}]{\text{уч фотонли}} |c, \mp 1/2\rangle, \end{aligned} \quad (1)$$

яъни уларнинг ҳар бири бир-биридан оптик ўтишларда иштирок этаётган ток ташувчиларнинг бошланғич, виртуал ва охириги ҳолатлари билан фарқ қилувчи ташкил этувчилар суммасидан иборат бўлади (2-расм): а) электронларнинг бошланғич ҳолатлари валент зонасининг оғир коваклар тармоғида бўлса, у ҳолда

$$\begin{aligned} &\sum_{m_l, m'_l = \pm 1/2, \pm 3/2} \{ |V_{hh}, \pm 3/2\rangle \Rightarrow |V_l, m_l\rangle \rightarrow |c, \pm 1/2\rangle + |V_{hh}, \pm 3/2\rangle \rightarrow |V_l, m_l\rangle \rightarrow |V_l, m'_l\rangle \rightarrow |c, \pm 1/2\rangle + \\ &+ |V_{hh}, \pm 3/2\rangle \rightarrow |c, m_l\rangle \rightarrow |c, m'_l\rangle \rightarrow |c, \pm 1/2\rangle + |V_{hh}, \pm 3/2\rangle \rightarrow |SO, m_l\rangle \rightarrow |SO, m'_l\rangle \rightarrow |c, \pm 1/2\rangle + \\ &+ |V_{hh}, \pm 3/2\rangle \rightarrow |V_l, m_l\rangle \rightarrow |c, m'_l\rangle \rightarrow |c, \pm 1/2\rangle + |V_{hh}, \pm 3/2\rangle \rightarrow |c, m_l\rangle \rightarrow |V_l, m'_l\rangle \rightarrow |c, \pm 1/2\rangle + \\ &+ |V_{hh}, \pm 3/2\rangle \rightarrow |V_l, m_l\rangle \rightarrow |SO, m'_l\rangle \rightarrow |c, \pm 1/2\rangle + |V_{hh}, \pm 3/2\rangle \rightarrow |SO, m_l\rangle \rightarrow |V_l, m'_l\rangle \rightarrow |c, \pm 1/2\rangle + \\ &+ |V_{hh}, \pm 3/2\rangle \rightarrow |c, m_l\rangle \rightarrow |SO, m'_l\rangle \rightarrow |c, \pm 1/2\rangle + |V_{hh}, \pm 3/2\rangle \rightarrow |SO, m_l\rangle \rightarrow |c, m'_l\rangle \rightarrow |c, \pm 1/2\rangle \}, \end{aligned} \quad (2)$$

бу ерда, \rightarrow -бир фотонли оптик ўтишни кўрсатади. Юқорида қайд қилинган ҳар бир сумманинг ҳар бири қолганларидан виртуал ҳолатининг тартиби билан фарқ қилади. Умуман олганда ток ташувчилар виртуал ҳолатлари валент зонасининг енгил ва оғир коваклар коваклар ($|V_l, m_l\rangle$), спин-орбитал кенгайган ($|SO, m'_l\rangle$) тармоқларида ҳамда ўтказувчанлик зонасида ($|c, m'_l\rangle$) бўлиши мумкин (2-расм), оғир коваклар учун $m_l, m'_l = \pm 3/2$ -енгил коваклар, спин-орбитал кенгайган тармоқлари ҳамда ўтказувчанлик зонаси учун $m_l, m'_l = \pm 1/2$, m_l ёки m'_l тўла момент операторининг хусусий қиймати. $|A, m_a\rangle \Rightarrow |B, m_b\rangle$ белгилаш бир вақтда икки фотонли $|A, m_a\rangle$ ҳолатдан $|B, m_b\rangle$ ҳолатга бир вақтда икки фотон ютилиши билан, $|A, m_a\rangle \rightarrow |B, m_b\rangle$ белгилаш юқорида қайд қилинган оптик ўтишнинг бир фотон иштирокида содир бўлишини англатади. Қолган оптик ўтишлар шу тариқа аниқланади.

Бриллюэн зонасининг марказига яқин соҳаларда зоналарнинг дисперсия қонуниятида параболик муносабат кузатилади. Хусусан, $8P^2k^2 \ll 3E_g^2$ шартда электрон ва ковакларнинг энергиявий спектрлари қуйидаги кўришга келади

$$E_{el}(k)|_{k \rightarrow 0} = E_c + \frac{2P^2}{3E_g}k^2 \equiv E_c + \frac{\hbar^2k^2}{2m}, \quad E_{lh}(k)|_{k \rightarrow 0} = E_c - E_g - \frac{2P^2}{3E_g}k^2 \equiv E_v - \frac{\hbar^2k^2}{2m}, \quad (3)$$

бу ерда $m = \frac{3\hbar^2E_g}{4P^2}$ - электроннинг эффектив массаси.

Таъкидлаш жоизки, енгил коваклар тармоғидан ўтказувчанлик зонасига оптик ўтишлар 16 та бўлиб, улар бир-биридан оралик ҳолатлари билан фарқ қилади. Шунинг учун оптик ўтишларни имкон даражасида алоҳида-алоҳида таҳлил қиламиз. Масалан, қуйидаги $|V, -3/2\rangle \Rightarrow |V, -3/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$, $|V, -3/2\rangle \Rightarrow |V, +1/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$, $|V, -3/2\rangle \Rightarrow |V, -1/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$

диаграммаларнинг суммаси билан аниқланган оптик ўтишнинг таркибий

матрицавий элементи
$$-\frac{iP_c B e'_+}{2\sqrt{2}} \left[\frac{2\left(\frac{A}{B}-1\right)}{-\hbar\omega} + \frac{|e'_-|^2 + 4e'_z{}^2}{E_{lh} - E_{hh} - 2\hbar\omega} \right]$$
 муносабат ёрдамида


ифодаланади (*a* ҳол), $|V, -3/2\rangle \rightarrow |V, -3/2\rangle \rightarrow |V, -3/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$,
 $|V, -3/2\rangle \rightarrow |V, -3/2\rangle \rightarrow |V, -1/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$, $|V, -3/2\rangle \rightarrow |V, -1/2\rangle \rightarrow |V, -3/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$,
 $|V, -3/2\rangle \rightarrow |V, -1/2\rangle \rightarrow |V, -1/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$ диаграммаларнинг суммаси билан аниқланган оптик ўтишнинг (*b* ҳол) таркибий матрицавий элементи

$$\frac{i}{\sqrt{2}} P_c B^2 k^2 e'_+ \left\{ \frac{1}{(-2\hbar\omega)} \left[\frac{4\left(\frac{A}{B}-1\right)^2 e'_z{}^2}{(-\hbar\omega)} + \frac{3|e'_-|^2}{(E_{lh} - E_{hh} - \hbar\omega)} \right] + \frac{2e'_z{}^2}{(E_{lh} - E_{hh} - 2\hbar\omega)} \left[\frac{2\left(\frac{A}{B}-1\right)}{(-\hbar\omega)} + \frac{2\left(\frac{A}{B}+1\right)}{(E_{lh} - E_{hh} - \hbar\omega)} \right] \right\}.$$

Натижада ҳар бир матрицавий элемент модулининг квадрати чизикли кутбланган ва циркуляр кутбланган ёруғликлар учун алоҳида-алоҳида ҳисобланиб, сўнгра ток ташувчилар тўлқин векторининг бурчаклари бўйича ўрталаштириш олиб борилгач, қаралаётган оптик ўтишларга тегишли чизикли-циркуляр дихроизм коэффициенти $\eta(\omega)$ ҳисобланади. Бундай оптик ўтишларга мос келувчи чизикли-циркуляр дихроизм коэффицентининг спектрал боғланиши ($\eta(\omega)$) 3-расмда тасвирланган. Расмдан кўриняптики, $\eta(\omega)$ катталиқ спектрал боғланишининг табиати оптик ўтишларнинг турига боғлиқдир. Хусусан, биринчи тур оптик ўтишлар учун частотанинг ортиши билан $\eta(\omega)$ орта боради (3 *a*-расм), иккинчи оптик ўтишлар учун эса камайиб, минимумга эришиб, сўнгра орта боради (3 *b* -расм). Шунини таъкидлаш ўринлики, бир-биридан виртуал ҳолатлари билан фарқ қилувчи 16 хил оптик ўтишларга тегишли $\eta(\omega)$ боғланиш табитан ҳар хил бўлади: миқдоран доимий, бироқ бирга тенг, бирдан катта ёки бирдан кичик бўлиши мумкин. Назарий таҳлиллар шунини кўрсатадики, ҳар бир оптик ўтиш учун ҳисобланган $\eta(\omega)$ боғланишнинг физикавий табиати кристалларнинг тақиқланган ва спин-орбитал кенгайган зоналар кенгликларининг нисбатига боғлиқ эмас.

Юқорида қайд қилинган оптик ўтишларга нисбатан ёруғлик уч фотонли ютилиши коэффицентининг спектрал боғланишларини аниқлаш учун

$$K_{summ}^{(N)}(\omega, T) = \sum_{c, m'_c; \nu, m'_\nu} K_{c, m'_c; \nu, m'_\nu}^{(N)}(\omega, T) = \frac{N\hbar\omega}{I} \sum_{c, m'_c; \zeta, m'_\zeta; \nu, m'_\nu} W_{c, m'_c; \zeta, m'_\zeta; \nu, m'_\nu}^{(N)} \quad (4)$$



2-расм. Валент зонасининг оғир коваклар тармоғидан ўтказувчанлик зонасига уч фотонли оптик ўтишлар схемаси: тўртбурчак-бошланғич ҳолат, доира-охирги ҳолат, юлдузча-оралиқ ҳолатларни, тўғри кўрсаткичли чизиқлар-зоналараро ёки тармоқлараро, эгри кўрсаткичли чизиқлар битта зона ёки битта тармоқ ичида содир бўладиган оптик ўтишларни билдиради.

$|c, m'_c\rangle$ ($m'_c = \pm 1/2$) жойлашиши мумкин, $M_{c, m'_c; \zeta, m'_\zeta; V, m'_V}^{(N)}(\mathbf{k})$ -қаралаётган оптик ўтишнинг таркибий матрицавий элементи, $f_c(\mathbf{k})[f_{V_i}(\mathbf{k})]$ - ток ташувчиларнинг тақсимот функцияси, $E_c(\mathbf{k})[E_{V_i}(\mathbf{k})]$ -электрон (ковак) ларнинг энергетик спектри, m'_V - тўла ҳаракат миқдори моменти операторининг хусусий қиймати, $\nu = c, V_i, SO$, электрон-фотон ўзаро таъсир операторининг

матрицавий элементи $H_{\nu} = \frac{e}{im_0\omega} \left(\frac{2\pi I}{n_\omega c} \right)^{1/2} (\vec{e} \cdot \vec{p})_{\nu}$ каби аниқланади, \vec{p} - импульс

оператори, \vec{A} -электромагнит тўлқиннинг вектор потенциали, I - ёруғликнинг интенсивлиги, n_ω - кристаллнинг ω частотага мос келувчи синдириш кўрсаткичи.

Ёруғликнинг кўп фотонли ютилиш коэффициентини ҳисоблаш имконини берувчи кўп фотонли оптик ўтишлар эҳтимоллиги қуйидагича ифодаланади:

$$W_{c, m'_c; V, m'_V}^{(N)} = \frac{1}{\pi \hbar} \left(\frac{e}{m_0 \omega} \right)^{2N} \left(\frac{2\pi I}{nc} \right)^N \left(k_{c, m'_V}^{(N\omega)} \right)^3 (N\hbar\omega - E_g)^{-1} \left| \mathfrak{R}_{c, m'_c; V, m'_V}^{(N)} \left(k_{c, m'_V}^{(N\omega)} \right) \right|^2 \times$$


муносабатдан фойдаланамиз, бу ерда $K_{c, m'_c; V, m'_V}^{(N)}(\omega, T)$ - ёруғликнинг зоналараро N фотонли парциал ютилиш коэффициенти, $W_{c, m'_c; \zeta, m'_\zeta; V, m'_V}^{(N)}$ - оптик ўтишлар эҳтимоллиги бўлиб, уни ҳисоблашда оралиқ ҳолатлар ($|\zeta, m'_\zeta\rangle$) бўйича сумма олиш зарур. Бу ҳолда $W_{c, m'_c; \zeta, m'_\zeta; V, m'_V}^{(N)}$ -валент зонаси тармоқларидан ўтказувчанлик зонасига N фотонли оптик ўтишлар эҳтимоллиги қуйидагича ифодаланади:

$$W_{c, m'_c; \zeta, m'_\zeta; V, m'_V}^{(N)} = \frac{2\pi}{\hbar} \sum_{\zeta, m'_\zeta} \left| M_{c, m'_c; \zeta, m'_\zeta; V, m'_V}^{(N)}(\mathbf{k}) \right|^2 \times \left[f_c(\mathbf{k}) - f_{V_i}(\mathbf{k}) \right] \delta(E_c(\mathbf{k}) - E_{V_i}(\mathbf{k}) - N\hbar\omega), \quad (5)$$

бу ерда $|\zeta, m'_\zeta\rangle$ виртуал ҳолат валент зонаси тармоқларида, яъни оғир коваклар тармоғи $|V_{hh}, m'_{hh}\rangle$ ($m'_{hh} = \pm 3/2$) ёки энгил коваклар тармоғи $|V_{lh}, m'_{lh}\rangle$ ($m'_{lh} = \pm 1/2$), шунингдек, спин-орбитал кенгайган тармоғи $|SO, m'_{SO}\rangle$ ($m'_{SO} = \pm 1/2$) ҳамда ўтказувчанлик зонасида

$$\times \left[f \left(E_c \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right) - f \left(E_{V_l} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right) \right], \quad (6)$$

бу ерда N фотонли оптик ўтишга тегишли энергиянинг сақланиш қонунидан



3-расм. Куб симметрияли кристаллар учун матнда қайд қилинган икки хил зоналараро уч фотонли оптик ўтишларга тегишли чизикли-циркуляр дихроизм коэффициентининг спектрал боғланиши.

аниқланган $k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} = \left[\frac{2m_c m_{V_l}}{m_c + m_{V_l}} \right] (N\hbar\omega - E_g)$ тўлқин вектор, $m_c (m_{V_l})$ – ток ташувчилар

$c(V_l)$ зонадаги эффектив массалари, $\left| \mathfrak{R}_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(N)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right|^2$ – қуйидаги интеграл

билан аниқланади $\int_{-1}^1 d \cos(\theta) \int_0^{2\pi} d\varphi \int_0^\infty k dk^2 \sum_{\zeta,m'_\zeta} \left| M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(N)} (k, \theta, \varphi) \right|^2$, $f_c \left(k_{c,m_{hh}}^{(N\omega)} \right) \left[f_{hh} \left(k_{c,m_{hh}}^{(N\omega)} \right) \right]$ –

N фотонли оптик ўтишда иштирок этаётган ток ташувчиларнинг тақсимот функцияси, ток ташувчилар энергияси: $E_c \left(k_{c,m_{hh}}^{(N\omega)} \right) \left[E_{hh} \left(k_{c,m_{hh}}^{(N\omega)} \right) \right]$. Энди конкрет

мисолларга эътибор қаратамиз. Айтайлик, натижавий таркибий матрицавий элемент $M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(N)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right)$ иккита ташкил этувчидан иборат, яъни

$M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(N)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) = M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(A)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) + M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(B)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right)$ бўлсин, бу ерда

$M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(A)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right)$ – "А" тур оптик ўтишлар матрицавий элементи,

$M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(B)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right)$ – "В" тур оптик ўтишлар матрицавий элементи. Оптик

ўтишлар эҳтимоллиги таркибий матрицавий элемент модулининг квадрати билан аниқланганлиги учун қуйидаги шакл алмаштиришдан фойдаланамиз:

$$\begin{aligned} \left| M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(N)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right|^2 &= \left| M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(A)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) + M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(B)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right|^2 = \\ &= \left| M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(A)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right|^2 + \left| M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(B)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right|^2 + \end{aligned} \quad (7)$$

$$+ \left[M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(A)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right]^* M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(B)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) + M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(A)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \left[M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(B)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right]^* .$$

Шундай илиб, ёруғликнинг натижавий кўп фотонли ютилиш коэффициентлари парциал кўп фотонли ютилиш коэффициентларининг йиғиндисидан иборат. Масалан, "A" ва "B" тур оптик ўтишларгагина тегишли парциал ютилиш коэффициентлари мос ҳолда $\left| M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(A)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right|^2$ ва $\left| M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(B)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right|^2$ катталиклар ёрдамида аниқланади. Ёруғликнинг натижавий ютилиш коэффициентларида $\left[M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(A)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right]^* M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(B)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right)$ кўпайтма билан аниқланувчи улуш ҳам мавжуд бўлади. Натижада ёруғликнинг кўп фотонли ютилиш коэффициентини куйидаги ифодалар билан аниқланувчи ютилиш коэффициентларининг йиғиндиси кўринишида қайд қилиш мумкин:

$$K_{c,m'_c;V,m'_V}^{(A,B,C)}(\omega, T) = \frac{N\hbar\omega}{I} W_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(A,B,C)} \quad (8)$$

бу ерда

$$W_{c,m'_c;V,m'_V}^{(A,B)} = \frac{1}{\pi\hbar} \left(\frac{e}{m_0\omega} \right)^{2N} \left(\frac{2\pi I}{nc} \right)^N \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right)^3 (N\hbar\omega - E_g)^{-1} \left| M_{c,m'_c;V,m'_V}^{(A,B)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right|^2 \times$$

$$\left[f \left(E_c \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right) - f \left(E_{V_l} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right) \right],$$

$$W_{c,m'_c;V,m'_V}^{(C)} = \frac{1}{\pi\hbar} \left(\frac{e}{m_0\omega} \right)^{2N} \left(\frac{2\pi I}{nc} \right)^N \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right)^3 (N\hbar\omega - E_g)^{-1} \left[f \left(E_c \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right) - f \left(E_{V_l} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right) \right] \times$$

$$\times \left[\left[M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(A)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right]^* M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(B)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) + M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(A)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \left[M_{c,m'_c;\zeta,m'_\zeta;V,m'_V}^{(B)} \left(k_{c,m_{V_l}}^{(N\omega)} \right) \right]^* \right]^2 .$$

Бу улушларнинг ҳисоблашлари бажарилса, у ҳолда ҳар бир тур оптик ўтишларнинг натижавий ютилишга улушларини солиштириш имконияти яратилади. Шу сабабли ёруғликнинг натижавий уч фотонли ютилиш коэффициентини ҳисоблашда ҳар бир оптик ўтишга мос келувчи ютилиш коэффициент спектрал боғланишларини алоҳида-алоҳида ҳисоблаймиз. Масалан, куб симметрияли кристаллар учун $|V, -3/2\rangle \Rightarrow |V, -3/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$, $|V, -3/2\rangle \Rightarrow |V, +1/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$, $|V, -3/2\rangle \Rightarrow |V, -1/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$ оптик ўтишлар суммаси билан аниқланувчи ёруғликнинг уч фотонли ютилиши коэффициентини куйидаги кўринишда ифодаланади

$$K_{c,hh,1}^{(N=3)} = \frac{3}{4} K_g^{(3)}(0) \frac{m_c m_{hh}}{(m_c + m_{hh}) m_0} I^2 \frac{E_g^2}{B^2 k_g^4} \left[f_c \left(k_{c,m_{hh}}^{(3\omega)} \right) - f_{hh} \left(k_{c,m_{hh}}^{(3\omega)} \right) \right] x_\omega^{-5} r_{c,m_{hh}}^{(3\omega)} \times$$

$$\times \left[\left(\frac{2 \left(\frac{A}{B} - 1 \right)}{x_\omega} \right)^2 a_{c,hh,1}^{(N=3)} + 2 \frac{2 \left(\frac{A}{B} - 1 \right)}{-x_\omega} \frac{b_{c,hh,1}^{(N=3)}}{x_{lh} - x_{hh} - 2x_\omega} + \frac{c_{c,hh,1}^{(N=3)}}{(x_{lh} - x_{hh} - 2x_\omega)^2} \right], \quad (9)$$

куйидаги тур оптик ўтишлар учун эса $|V, -3/2\rangle \rightarrow |V, -3/2\rangle \rightarrow |V, -3/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$,
 $|V, -3/2\rangle \rightarrow |V, -3/2\rangle \rightarrow |V, -1/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$, $|V, -3/2\rangle \rightarrow |V, -1/2\rangle \rightarrow |V, -3/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$,
 $|V, -3/2\rangle \rightarrow \rightarrow |V, -1/2\rangle \rightarrow |V, -1/2\rangle \rightarrow |c, -1/2\rangle$ куйидаги натижани оламиз

$$K_{c,hh,2}^{(N=3)} = 6K_g^{(3)}(0) \frac{m_c m_{hh} I^2 E_g^4}{(m_c + m_{hh}) m_0} \left[f_c(k_{c,m_{hh}}^{(3\omega)}) - f_{hh}(k_{c,m_{hh}}^{(3\omega)}) \right] \left(\frac{r_{c,m_{hh}}^{(3\omega)}}{x_\omega} \right)^5 \times \\ \times (a_{c,hh,2}^{(N=3)} \mathfrak{R}_1^2 + b_{c,hh,2}^{(N=3)} \mathfrak{R}_1 \mathfrak{R}_2 + c_{c,hh,2}^{(N=3)} \mathfrak{R}_2^2), \quad (10)$$

бу ерда k_ω - ток ташувчиларнинг $E_{lh}(k) - E_{hh}(k) - 3\hbar\omega = 0$ муносабатдан, яъни энергиянинг сақланиш қонунидан аниқланувчи тўлқин вектори,

$$r_{c,m_{hh}}^{(3\omega)} = \frac{2m_c m_{V_l}}{m_c + m_{V_l}} \frac{3\hbar\omega - E_g}{m_0 E_g}, \quad x_\omega = \hbar\omega / E_g, \quad K_g^{(3)}(0) = \pi m_0 \left(\frac{2\pi e^2}{n_\omega c \hbar} \right)^3 k_g^5 E_g^{-9} P_c^2 B^4, \quad x_l = E_l(k_\omega) / E_g,$$

$$l = lh, hh, SO, \quad \mathfrak{R}_1 = \frac{2(\frac{A}{B} - 1)^2}{(\hbar\omega)^2} - \frac{2(\frac{A}{B} - 1)}{(E_{lh} - E_{hh} - 2\hbar\omega)(\hbar\omega)} + \frac{(\frac{A}{B} + 1)}{(E_{lh} - E_{hh} - 2\hbar\omega)(E_{lh} - E_{hh} - \hbar\omega)},$$

$$\mathfrak{R}_2 = -\frac{3}{2\hbar\omega(E_{lh} - E_{hh} - \hbar\omega)}, \quad \text{чизикли кутбланган ёруғлик учун } a_{c,hh,1}^{(N=3)} = \frac{90}{135},$$

$$b_{c,hh,1}^{(N=3)} = \frac{180}{135}, \quad c_{c,hh,1}^{(N=3)} = \frac{488}{135}, \quad a_{c,hh,2}^{(N=3)} = \frac{1}{15}, \quad b_{c,hh,2}^{(N=3)} = c_{c,hh,2}^{(N=3)} = \frac{4}{27}, \quad \text{циркуляр кутбланган}$$

$$\text{ёруғлик учун } a_{c,hh,1}^{(N=3)} = \frac{70}{105}, \quad b_{c,hh,1}^{(N=3)} = \frac{133}{105}, \quad c_{c,hh,1}^{(N=3)} = \frac{396}{105}, \quad a_{c,hh,2}^{(N=3)} = \frac{8}{105}, \quad b_{c,hh,2}^{(N=3)} = \frac{13}{105},$$


$$c_{c,hh,2}^{(N=3)} = \frac{18}{105}.$$

Юқорида қайд қилинган оптик ўтишлар ҳисобига содир бўладиган ёруғликнинг уч фотонли ютилиш коэффициенти ($K_{c,hh,2}^{(N=3)} / K_g^{(3)}(0)$) нинг спектрал боғланиши 4-расмда келтирилган. Ундан кўриняптики, $K_{c,hh,2}^{(N=3)} / K_g^{(3)}(0)$ нинг спектрал боғланишида частотанинг ортиши билан дастлаб орта борувчи, максимумга эришиб, сўнгра камаювчи соҳалар мавжуддир.

Спектрал боғланишнинг бундай табиатли бўлиши $K_{c,hh,2}^{(N=3)} / K_g^{(3)}(0)$ катталикнинг частотага икки хил табиатли боғланган иккита катталиклар кўпайтмаси эканлиги билан тушунтирилади. Буларнинг бири частоталар ортиши билан орта борувчи ҳолатлар зичлиги бўлса, иккинчиси частоталар ортиши билан камайиб борувчи матрицавий элемент квадратининг модулидир (чунки частотага тўғри пропорционал боғланган энергетик катталиклар касрнинг махражидадир). Таъкидлаш жоизки, юқорида қайд қилинган оптик ўтишлар учун биринчидан спектрал боғланишнинг максимуми ёруғликнинг кутбланиш ҳолати(даражаси)га деярли боғлиқ эмас; иккинчидан кристалл тақиқланган зона кенглигининг ортиши билан максимум катта частоталар соҳасига силжийди ва ёруғликнинг ютилиш коэффициенти микдоран орта боради. Масалан, $GaAs$ кристаллининг тақиқланган зона кенлиги $InSb$ кристалликидан тақрибан 5 марта катта, ёруғликнинг ютилиш коэффициенти

